

НАМАНГАН УЕЗДИ ТАРИХИГА ОИД...

Мукаддам Абдугаппаровна Усманова

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада Россия империяси босқини натижасида Фарғона водийсида Наманганда уезднинг ташкил этилиши, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг статистик кўрсаткичлари ва мустамлакачилик даврида шаҳарнинг маъмурий тузулиши оид чора-тадбирларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Наманган, уезд, Туркистон ўлкаси, Ф. Кауфман волост, қишлоқ хўжалиги, Богоевский, районлаштириш сиёсати, епархия, Чуст.

Annotation: This article discusses the formation of the Namangan uyezd in the Fergana Valley as a result of the Russian Empire's invasion, the statistical indicators of the city's socio-economic life, and the specific aspects of administrative measures taken during the colonial period.

Keywords: Namangan, uyezd, Turkestan region, F. Kaufman, volost, agriculture, Bogoyevsky, regionalization policy, eparchy, Chust.

Аннотация: В данной статье освещаются формирование Наманганского уезда в Ферганской долине в результате захвата Российской империи, статистические показатели социально-экономической жизни города, а также особенности административных мероприятий в период колониализма.

Ключевые слова: Наманган, уезд, Туркестанский край, Ф. Кауфман, волость, сельское хозяйство, Богоевский, политика районирования, епархия, Чуст.

Наманган тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда XVII аср бошларидан бошлаб учрайди. Хусусан, В.П.Наливкиннинг ёзишича Наманган атамаси дастлаб, 1643 йилга мансуб вақф ҳужжатларида тилга олинган⁴⁶. 1710 йида Қўқон хонлиги ташкил этилгач, Наманган ҳудуди хонлик таркибига қўшилади. Қўқон хонлиги даврида эса Наманган шаҳри Фарғона водийсининг ўзига хос сиёсий-иқтисодий ва маданий марказига айланди. Бу эса Наманган гарчи Қўқон хонлигига тобе бўлса-да, вилоятни бошқарувчи бек ўз сиёсий мавқеини ва аҳамиятини сақлаб қолганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Россиянинг ўзбек хонликларини босиб олиш учун истилочилик ҳаракатлари бошланиб, дастлабки ҳарбий ҳаракатлар Қўқон хонлиги ҳудудига қаратилди. Россия ва Қўқон ўртасида вақтинчалик иттифоқ шартномаси имзоланди. Россия империяси томонидан 1868-1873 йилларда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бўйсундирилгач, босқинчилик юришларининг узвий давоми сифатида 1875-1876 йилларда Фарғона водийсида Пўлатхон қўзғолонини бостириш баҳонаси ва амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар «муваффақиятли» якунланди. Бунинг натижасида 1876 йил 19

⁴⁶ Қўқон хонлигининг қисқача тарихи, Қозон. 1886.

февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти ташкил этилганлиги расман эълон қилинди⁴⁷ унга М.Д.Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги учинчи вилоятга айлантирилди.⁴⁸

Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори Ф.Кауфман буйруғига кўра 1876 йил 3 апрелда Фарғона области худуди маркази Тошкент бўлган ва 1867 йил тузилган Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Фарғона области худудида Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездлари бўлиб, Наманган ва Чуст уездлари худуди тахминан ҳозирги Наманган вилоятининг худудига тўғри келади⁴⁹.

Наманган уезди Фарғона водийсидаги йирик уездлардан бири бўлиб, аҳоли сони бўйича Қўқондан кейинги ўринда (1897 йилги маълумотга кўра 62 минг аҳоли истиқомат қилган) турган. Унинг таркибига кирган Чуст шаҳри, шу жумладан, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, империядаги руслар умуман бўлмаган ягона шаҳардир⁵⁰.

Чуст уезди таркибига қуйидаги 13 та волость (бўлис) кирган: Чуст, Олмос, Тўрақўрғон, Ашт, Бободархон, Варзик, Боястон, Косон, Қутлуғ Саид, Поп, Тергачи, Чодак, Ахси-Шаханд.⁵¹

Кейинчалик Чуст уезди тугатилиб, унинг худуди Наманган уезди таркибига қўшиб юборилди, натижада аҳоли сони янада ортиб, 1900 йилги маълумотларга кўра 314300 кишини ташкил этган.⁵²

Уезд аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда истиқомат қилганлиги сабабли, улар асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. У кўп жойларда сунъий суғориш ёрдамида олиб борилган. Суғориш каналлари Норин дарёсидан (асосан — Янгиариқ) ва тоғлардан оқиб тушадиган кичик дарёлардан олинган. Асосий экинлар — гуруч, жўхори, буғдой, арпа, тарик, ловия ва пахта бўлиб, мевали дарахтлар, шу жумладан, токзорлар 2350 дес. майдонни эгаллаган. Полиз экинлари, айниқса аҳолининг овқатланишида муҳим ёрдамчи бўлиб хизмат қилган. Чорвачилик, эса нисбатан суст ривожланган.

1891 йилда Фарғона водийсига рус миллатига мансуб аҳоли кўчириб келтирилди, уларни мазкур ҳудудларга жойлаштириши маҳаллий аҳоли учун иқтисодий қийинчиликларини янада чуқурлаштирди. 1893 йилда Ўш уезди Покровское қишлоғига 200 оиладан иборат рус аҳолиси жойлаштирилди. Бу ерда уларга 4 минг ботмон суғориладиган ер ажратиб берилди. Бундан ташқари 1897

⁴⁷ Исоқбоев А.А. Наманганда жадиличлик ҳаракати ва маданий тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик алоқалари тарихидан. Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана. –Б. 429.
⁴⁸ Хидоятов Г.А. Менинг жонажон тарихим. -Т.; Ўқитувчи, 1992. - Б.282.

⁴⁹ Норматов О. Наманган уезди тарихи хусусида. //Academic Research in Educational Sciences. –Б. 298.

⁵⁰ <https://varandej.livejournal.com/872726.html>

⁵¹ Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. –Т.; Академия, 2002. –Б 43.

⁵² Обзор Ферганский области за 100 год. –Новый Маргилан, Типография Ферганского областного Правления, 1901. –Б 14-15.

йилда Наманган уездида Успенский ва Андижон уездида Николаев номли рус қишлоқлари ташкил этилди.⁵³

Саноатнинг султ ривожланганлигининг асосий сабаби, уезд аҳолиси асосан майда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланар эди. Кенг тарқалган ҳунармандчилик саноати жун, пахта, қисман ипак, тери ва бошқаларни қайта ишлаш ва улардан турли хил уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқарар эди.⁵⁴

1900 йил маълумотларига кўра, Наманган уездининг энг йирик шаҳри ва маъмурий маркази Наманган шаҳри бўлиб, унда 61388 нафар аҳоли яшаган. Шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида 11425 хонадон, 347 масжид, 16 мазор, 6 қаландархона, 74 эрлар мактаби, 13 қизлар мактаби, 20 мадраса, 35 қорихона мавжуд бўлса, руслар яшайдиган қисмида эса уезд бошқарув маҳкамаси, турма, почта-телеграф контораси, ҳарбий бошқарма, 14-Туркистон ўқчи батальони казармаси, М.Архангельский номли черков (1877 йилда қурилган), рус-тузем мактаби, касалхона, дорихона ва 40 та хонадон жойлашган эди.⁵⁵

Туркистон епархияси руҳонийси В. Иларионовнинг ўз кундалигида 1902 йилда Наманган уездига ташрифи ҳақида қуйидагича ёзган эди: “26 декабрь. Бугун эрталаб Наманганга етиб келдик - 100 верст (1 верст-1.0665 км. тенг, шундай қилиб, 100 верст-106.68 км тенг)ни бир ярим суткада босиб ўтдик. Почта станциясида тўхтадик. Бу станция ҳаммасидан ҳам яхшироқ экан: тоза, йўловчилар учун иккита хона, раҳбари жуда яхши инсон... Шаҳарнинг ўзида ва атрофидаги қишлоқларда кўплаб пахта заводи бор. Завод қувурларидан тутун чиқмоқда. Бу ер Ўрта Осиёга ўхшамайди, ҳеч бўлмаганда Еттисувда бундай ҳолатни кўришмаган. У ер бу ерда велосипед минган аҳолини учратиш мумкин. Ҳатто мен биринчи марта кўраётган мотори бўлган велосипед минган қандайдир савдогарлар ҳам ўтиб кетди”.⁵⁶

1912 йилдагина Қўқондан бу ерга темир йўл тортилди ва унинг пайдо бўлиши ҳақиқий шов-шувга олиб келди - агар 1910 йилда Наманган аҳолиси 75 минг кишига баҳоланган бўлса, 1916 йилга келиб у юз мингга етди ва бутун Туркистонда Тошкентдан кейинги иккинчи йирик шаҳар бўлиб, водий бўйича қўшниларни ҳам, Самарқандни ва Бухорони ортда қолдирди.⁵⁷

Ўтган аср бошларида Тошкентда яшаган француз олими, археолог-ўлкашунос И.Кастанье 1913 йил сентябрь ойида Туркистон бўлими йиғилишида ўқиган маърузасида шундай деган эди: “Туркистон бўлими Император География жамиятининг топшириғига кўра, жорий йилнинг июнь ва июль ойларида Тошкент ва Наманган уездларида тарихий-этнографик ва тадқиқотлар учун саёҳат қилдим... Ахсикент шаҳрида археологик изланишлар олиб бордим. Худди шу ердан менга Семеновнинг таърифига кўра, милодий 1087-1088 йилга

⁵³ Хидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. -Т.: Ўқитувчи, 1992. - Б.296.

⁵⁴ <https://proza.ru/2023/11/07/921>

⁵⁵ <https://www.livejournal.com/> Путеводитель по Туркестану. Географический и исторический обзор русских владений. Санкт-Петербург, 1903. -Б 387.

⁵⁶ Дневник священника Туркестанской епархии. 11. Путь в Наманганский уезд, Успенское. Малороссы-киевцы В. Иларионов. Дневник священника Туркестанской епархии // Прибавления к Вологодским епархиальным ведомостям. 1905, № 19-23;

⁵⁷ <https://varandj.livejournal.com/872726.html>

тааллуқли, Наманган уезди ҳарбий бошлиғи Богаевский томонидан тақдим этилган кумуш дирҳам топилган”.⁵⁸

1917 йил ноябр ойида Туркистон ўлкасининг маркази Тошкентда совет ҳокимиятини ўрнатилгач, Фарғона водийсида ҳам зўравонлик йўли билан қурол ёрдамида янги тузум қарор топди. Наманганда 1918 йилнинг 15 январь куни маҳаллий миллат вакиллари совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши митинг уюштирдилар. Бироқ, мазкур митинг большевиклар томонидан зўрлик билан тарқатилди. 1918 йилнинг 16 январидан эса қуролланган ишчилар ва солдатлар шаҳар Думаси, банк ва телеграф биноларини қўлга олдилар. Дума раисини, шаҳар бошлиғи ва гарнизон командири қамоққа олдилар. Шу тариқа Наманганда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилди.⁵⁹

Совет ҳокимияти томонидан Наманган ва Чустда янги ҳокимият органлари тузилди. 1918 йил октябридан 1919 йил августигача Наманганда совет ҳокимиятининг органи сифатида шаҳар-уезд солдат ва ишчи депутатлари совети Ижроия қўмитаси, 1919-1921 йиллар оралиғида эса Наманган уезд-шаҳар инкилобий қўмиталари фаолият юритди.

1920 йилгача уездда эски маъмурий бошқарув тизими сақланиб қолган бўлиб, волостларда волост бошқарувчилари, қишлоқларда қишлоқ оқсоқоллари, маҳаллаларда оқсоқоллар фаолият юритдилар.

Совет ҳокимияти Фарғона водийсида мустаҳкам қарор топган даврда Наманган уезди Фарғона области таркибида бўлиб, унинг Россия империяси давридаги маъмурий –худудий бўлиниши то 1925 йилгача деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди.

Наманган уезди Фарғона вилояти таркибидаги муҳим аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланиб, 1925 йилги маълумотларга қараганда қуйидаги волостлар (бўлислар)ни ўз ичига олган: Олмос, Ахси – Шаханд, Ашт, Бободархон, Варзик, Косон, Капа, Қирғизқўрғон, Нанай, Поп, Пишқарон, Тергачи, Тўрақўрғон, Уйчи, Хонобод, Чодак, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон.⁶⁰

1925 йилнинг бошларида Марказ томонидан Ўзбекистон ССР да районлаштириш бўйича марказий ва вилоят комиссиялари тузилиб, раис ва аъзолар тайинланди. Шунингдек, 7 та вилоят бўйича ҳам алоҳида комиссия раиси ва аъзолари тайинланди. Районлаштириш комиссиясининг 1926 йил 29 сентябрдаги сўнгги йиғилишида қарор қабул қилиниб, республикадаги вилоятлар, уездлар ва волостлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнида округлар, районлар (туманлар) ва қишлоқ советлари (шўролар) ташкил этилди.⁶¹

⁵⁸ Кастанье И. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. – Известия ТО ИРГО. Т. X, вып. 1. – Ташкент, 1914. – С. 125-154.

⁵⁹ Хайдаров З. Наманган вилояти: ўтмиш ва бугун. Н., 2014. –Б 35.

⁶⁰ Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925; NO Maxamatjonovich. ZONING POLITICS AND CONSEQUENCES IN UZBEKISTAN. Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC), October -2021.-Pp.62-66. www.openaccessjournals.eu

⁶¹ Normatov O.M. Fergana Valley during the Zoning Policy of Soviet Government. International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET), Volume 9, Issue 6, 2020. - Pp. 5047-5050.

Наманган уезди ҳам 29 волостга, волостлар эса 151 та қишлоқ жамоасига бўлинган, Наманган шаҳри эса 4 қисмга ёки участкага - Лаббайтоға, Сардоба, Чуқур кўча ва Дегрезликка бўлиниб, идора этилди.⁶²

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, Наманган уезди Ўзбекистон ССРнинг Фарғона области таркибига киритилган ва Наманган шаҳри йирик саноат корхоналари округига айланган. Ўша даврда Наманганда 5 та пахта тозалаш заводи ва 4 та хусусий пахта тозалаш заводи, 1 та ёғ-мой-совун заводи, 1 та тери-ичакни қайта ишловчи завод ва 1 та босмахона, электростанция, ун заводи мавжуд бўлган.⁶³

Хулоса сифатида шуни келтириб ўтиш мумкинки, Наманган вилояти Россия империяси, Муваққат ҳукумат ва советлар бошқаруви даврида турли хил тадрижий “ривожланиш” йўлларини босиб ўтди. Хусусан бу даврда маҳаллий миллат вакиллари бошқарув соҳасига умумун жалб этилмади. Наманган уездининг маъмурий-худудий ўзгаришлари, иқтисодий кўрсаткичлари, ижтимоий ҳаёти, деҳқончилик ва хунармандчиликка асосланган соҳа ва тармоқлари кенгайиши марказ фойдасигагина хизмат қилган.

⁶² Қосимов Й. Наманган тарихидан лавҳалар. Т; Фан, 1990, Б-25.

⁶³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926.